

## Ислом ҳамкорлик ташкилоти Қозоғистондаги зўравонликларни тўхтатишга чақирмоқда



16:24 / 08.01.2022 1714

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Қозоғистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва зўравонликларни тўхтатишга чақиради. ИХТ котибияти Қозоғистон Республикасидаги воқеаларни катта ташвиш билан кузатиб, кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига ва давлат мулкига зарар етказилишига олиб келган зўравонлик ҳаракатларидан хавотирда экандигини билдирган. Бу ҳақда ташкилот хабарида маълум қилинган.

ИХТ Қозоғистон билан ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласида бирдам эканлигини айтган. Қозоғистондаги вазият 2022 йил 2 январь куни Жанаўзен шаҳрида (Манғистау вилоятидаги шаҳар, мамлакат ғарбида) суюлтирилган газ нархининг ошишига қарши митинглар бошланганидан сўнг кескинлашиб кетган. Оқибатда намойишчилар иқтисодий ва сиёсий талаблар билан бутун мамлакат бўйлаб оммавий норозилик билдиришга ўтган.

5 январь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим Жомарт Тоқаев бош вазир Асқар Мамин бошчилигидаги ҳукумат истеъфосини қабул қилиб, уни мамлакатда суюлтирилган газ нархи ошишига қарши намойишлар учун масъул қилиб олди.